


I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 40797,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 99,5 фоизга тенг бўлди.

Январь-июнь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯХМ ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>		<i>2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	36787,3	40797,7	99,5
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	32526,1	36897,1	99,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	4261,2	3900,6	99,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	32526,1	36897,1	99,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	15484,2	17328,2	99,3
Саноат	12111,0	13626,0	98,8
Қурилиш	3373,2	3702,2	101,2
Хизматлар	17041,9	19568,9	99,8
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5569,8	6536,7	100,6
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	4222,4	4571,8	101,0
Бошқа хизматлар	7249,7	8460,4	98,5

ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-июнь ойларида)




Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 98,8 % ни ташкил этиб (ЯХМ таркибидаги улуши 36,9 %), қурилиш – 101,2 % (10,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 100,6 % (17,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 101,0 % (12,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 98,5 % (23,0 %) ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
январь-июнь ойларига
(жамига нисбатан фоизда)**

2019 йил январь-июнь



2020 йил январь-июнь




- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар


2020 йил январь-июнь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 17,7 % ни (2019 йил январь-июнда 17,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 12,4 % ни (2019 йил январь-июнда 13,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 23,0 % ни (2019 йил январь-июнда 22,3 %) ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,
январь-июнь ойларида**
(жамига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-июнь



2020 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 90,4 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 9,6 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 46,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 53,1 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-июнь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 15708,3 минг сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига

нисбатан (3,3) фоизга камайди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллашиши оқибатида ЯХМда кичик бизнеснинг улуши 48,4 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши
(2020 йил январь-июнь ойлари, жамига нисбатан улуши)



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг қўшган ҳиссаси 17,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,8 пунктга ошган.

Ялпи ички маҳсулотда Тошкент шаҳрининг улуши, фоизда

